Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 245 (3240)
ПАЙШАНБА
21 ОКТЯБРЬ 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Қурилиш ходимлари! Капитал қурилиш соҳасида КПСС XXV съезди белгилаб берган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун курашингиз! Янги объектларни ўз вақтида ишга туширингиз! Тез, соз, тежамли ва замонавий техника негизида қурингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТЧИЛАРИ ЎН ОЙЛИК ПЛАННИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИЛАР

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, маҳсулотни реализация қилиш ўн ойлик планини муддатидан олдин, 20 октябрда бажардилар.

Ой охиригача пландан ташқари минглаб тонна қора металлар прокати ишлаб чиқарилади, минглаб тонна нефть, кўмир қазиб олинади, кўп миқдорда химия ускуналари, тракторлар, кўрак чувиш машиналари, пахта териш машиналари, ички ва устки трикотаж ва кўплаб бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИГА-ЗАРБДОР СУРЪАТ

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциялари турар жой бинолари ва мактабгача болалар муассасалари қурилишларининг боришини ёритиш мақсадида «Главташкентстрой»нинг барча бўлимларида мухбирлар постини ташкил этди. Уларда ишлаш учун 80 ишчи-мухбирлар жалб этилди. Улар ишлаб чиқариш илғорлари, бригадирлар, прораб ва «Главташкентстрой» трестининг инженер-техник ходимларидир.

Ишчи-мухбирлар постларининг иши учун масъулият «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг жамоатчи мухбири П. Селезневга топширилди.

Ўнинчи беш йиллиннинг биринчи йили — 1976 йил нихоясига етиб бормоқда. Бугунги кунда республика пойтахтининг қурувчилари олдида катта ва қийин вазифа — зиммага олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариш, йиллик планни муваффақиятли якунлаш вазифаси турибди.

Ҳозирча уй-жой биноларини фойдаланишга топшириш борасида қийин аҳвол юз бериб қолди. Республиканинг йирик қурилиш бўлинмаларидан бири — «Главташкентстрой» бугунги кунда уй-жой биноларини ишга туширишпланинниг уддасидан чиқолмаётир. Тошкентда 12 ой ичида 673,6 минг квадрат метр уй-жой тайёр қилиниши керак эди. Йилнинг тўққиз ойи ичида 415,7 минг квадрат метр уй-жой ишга туширилди. «Главташкентстройлик»лар йилнинг охирига қадар кечиктирилган қурилишлар билан бирга яна 257,8 минг квадрат метр уй-жойни тайёр қилишлари керак.

Уй-жой биноларини ишга тушириш бўйича тўққиз ойлик планни биргина «Главташкентстройга» қарашли 153-қурилиш трести бажарганлигини айтиб ўтиш мумкин. Қолган трестлар эса ҳали белгиланган маррадан ортда қолмоқдалар.

«Жилстрой», «Отделстрой», 3, 4, 6, 8, 11, 159-трестлар ва Тошкент уйсозлик комбинатида уй-жойларни ишга туширишда борасида ачинарли аҳвол юз бериб қолди. Ана шу бўлинмаларнинг барчаси бугунги кунда графикдан ортда қолмоқдалар, уйларни фойдаланишга топшириш муддатини барбод қилмоқдалар.

«Жилстрой» ва Тошкент уйсозлик комбинати сингари қудратли ва етакчи корхоналардаги ишларнинг аҳволи бонг уришга олиб келмоқда. Ана шу ташкилотларда юз берган аҳволга сабаб нима?

«Жилстрой» трестида, масалан, бундай аҳволни қурилиш ишлари ўринсиз ташкил этилганлиги, етакчи бўшқармалардан бири «Ташгросстрой» қурилиш бошқармаси раҳбарлик аппарати кадрларга тўлатилмаганлиги билан изоҳлашади. Трестнинг ўзи йил давомида Марказ—26 ва Шимолий—Шарқ 2/1 микрорайонларида қурилиш технологиясини бузганлиги натижасида бинолар олдида устки тармоқларни ўтказиш ва территорияни ободонлаштириш ишларини бажариш қийинлашиб қолди. Ана шу ободонлаштириш ишлари бораётган жойларнинг ўзида уйларнинг монтаж ишлари тугалланмагани халақит беради. Трест раҳбарлари «Главташкентстрой» раҳбарлигига берган тушунтиришларида кўпгина сабабларни келтирадилар, нати-жада трест бош пудрат бўйича тўққиз ойлик планни бор-йўғи 88,6 процент бажарди, план бўйича 95 минг квадрат метр уй-жой биноси ўрнига 74 минг квадрат метр фойдаланишга топширилди.

Натижаларни якунлаб

Маррадаги қийин вазият

Тошкент уйсозлик комбинатида ҳам ана шунга ўхшаш аҳвол кузатилмоқда. Бу ерда тўққиз ойдан буён «ТДСК—71А» серияли янги уй-жойларни тайёрлашга батамом ўтиш машақатини давлат планининг кечикиб бажарилишига сабабчи қилиб кўрсатмоқдалар. Ваҳоланки, ана шундай уйлар шаҳарда ўтган йилдан бери қурилмоқда, комбинатнинг заводлари уларни тайёрлаш технологиясини аллақачон ўзлаштириб олишган.

Гапнинг сирасини айтганда бундан муҳимроқ сабаблар бор. Комбинатнинг монтаж ва бош пудрат бошқармаларида икки сменада ишлаш тўла йўлга қўйилмаган. Уйсозлик комбинатининг бошқармаларни уй-жой объектларининг қурилиш майдонларини инженерлик жиҳатдан тайёрлаш билан етарли шуғулланмаётир. Объектлар ўз вақтида электр қуввати, сув билан таъминланмаётир, кўпчилигида эса вақтида овқатланиш ташкил қилинмаган. Ана шу сабаблар туфайли комбинатда кадрлар қўнимсизлиги 12 процентгача етди. Уй-жой биноларини фойдаланишга топширишда планларнинг бажарилмаслик сабабларини худди мана шу етишмовчиликдан қидириш керак. Бажарилмаган ишларнинг ҳажми ташвишли даражададир. Уйсозлик комбинати тўққиз ойлик план бўйича 1 миллион 367 минг сўмлик қурилиш ишларини бажармади.

Биз «Главташкентстрой» қурилиш бўлинмаларининг фақат иккитасига доир мисолларни келтирдик. Ана шундай аҳвол бошқа трестларда ҳам кузатилмоқда.

Э. ВИКТОРОВ.

АҲДГА ВАФО

Ленинградликлар нинг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ташаббусига қўшилиб меҳнат қилаётган Тошкент тўқимачилик комбинатининг 2-фабрикасига қарашли йигирув цехи кард қисми йигирувчиси В. И. Минькина қувончли натижаларни қўлга киритмоқда. У ўз олдига беш йиллик план-топшириқларини уч йилда бажаришни мақсад қилиб қўйган. Аҳдига содиқ йигирувчи айни кунларда ўз мақсади йўлида гайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Илгор йигирувчи В. Минькина 21 августда беш йилликнинг дастлабки йили мажбуриятини шараф билан адо этган эди. Илгор ишчи бундай ютуққа эришишда вақтдан тежаб-тергаб фойдаланиш, хом ашёни иқтисод қилиш, қатъий график асосида меҳнат қилиш туфайли эришмоқда.

«Малина» ишлаб чиқариш трикотаж бирлашмасининг пешқадам ишчиси Надежда Ладаускиена тўққиз ойда йиллик планни адо этган.

Коммунистик меҳнат зарбдори Н. Ладаускиена беш йиллиннинг 3,5 йилда бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ КПСС Марказий Комитети «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг баёни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

▲ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 20 октябрь куни Кремлда Америка савдо-саноат доираларининг таниқли намояндаси Арманд Хаммерни қабул қилди.

▲ Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси Юмжатийн Цёденбал бошчилигидаги Монголия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси 20 октябрда Москвадан Олмаотага жўнаб кетди. Делегация шу куни Олмаотага етиб келди.

ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРГАНЛАР

40 йил рулда. 2521-автоколоннанинг пешқадам шоҳфёри, коммунистик меҳнат зарбдори Иван Михайлович Бабушкининг меҳнат стажи ана шундай. Уруш ва меҳнат ветерани беш йиллиннинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажарди, ҳозир у 1977 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

В. Титов фотоси.

Усталар ишига бир нигоҳ

Репортаж

Пойтахтимизда Оҳангарон шоссеси бўйида 40 квартирали уй бунёд этилмоқда. Унинг қурилишида кучларни синаб кўриш, тўғрироғи, «Главташкентстрой»нинг 3-трести гишт терувчилари ўз маҳоратларини намойиш қилишлари кўзда тутилган эди.

Якунловчи конкурсга яхшиларнинг энг яхшилари финал мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини олган беш қурилиш бошқармасининг еттита звеноси етиб келди.

30-қурилиш бошқармасининг тезкорлари «спорт майдончаси»ни аъло тайёрладилар: гишт, қоришма, мусобақа иштирокчиларига зарур асбоб-ускуналар ва иш қийимларни келтиришди.

...Мана, жюри раиси, трест бош инженери Эркин Ҳайдарович Салимов имоси билан бинокор усталар ўз иш жойларини эгаллайдилар. Гишт терувчилар чаққон ва бир меъёрда ишлашарди. Жюри аъзолари эса конкурснинг барча қоидаларига ва шартларига қандай риоя қилинаётганлигини кузатиб туришибди. Куз қуёши булутлар орасидан жилмайиб, бинокор усталар чаққонлигига нигоҳ ташларди. Гишт терувчилар юқори суръат билан ишлар, ўз бошқармасининг шарафи учун курашардилар.

Кўплари иш жойларини ўзгартириб, бино қурилишининг иккинчи қисмига ўтишди. Кўп ўтмай, бош судья секундомерни тўхтатди. Иш эса қайнарди. Объектга келтирилган ғиштлар энди мусобақа манфаати юзасидан эмас, иш манфаати юзасидан терилмоқда эди. Ҳатто, гишт парчаси ҳам жойини топиб кетмоқда. Булар ҳаммаси бир куб метр жойда ўнтагача ғиштни тежаб қолиш, кўплаб қоришмани иқтисод қилиш имконини берарди.

30-қурилиш бошқармасининг Владимир Воробьёв ва Гафур Муҳаммаджоновлардан иборат гишт терувчилар звеноси иши рисоладагидек бўлди. Улар сиртдан жуда хотиржам ишлаётгандек кўринарди. Лекин ана шу «хотиржамлик» ортида юксак шиддат, энг муҳими эса зўр маҳорат ётарди.

Қизлар ҳам йигитлардан қолишмасди. Мария Уклеина ва Валентина Наумовалар гиштларни шундай қойил-мақом қилиб теришардики, асти қўяверасиз!..

Шиддатли курашга бош судья имоси чек қўйди. Ахир уч соат лентина Наумовалар гиштларни шундай қойил-мақом қилиб теришардики, асти қўяверасиз!..

Шиддатли курашга бош судья имоси чек қўйди. Ахир уч соат мин-йўқлиги бинокорлик материаллари тежалгани, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилингани, — мусобақа «шартлари»ни рўйхатини яна анча давом эттириш мумкин, — ана шуларнинг ҳаммасига жюри жуда синчковлик билан баҳо қўйди.

— Қойил, гишт терувчилар аъло ишлашди, — деди жюри раиси Эркин Ҳайдарович Салимов, — мана, голиблар ишининг натижаси: уч соат мобайнида нормани салкам беш ҳисса ошириб бажаришибди, азаматлар!

Ҳурматли оқшомхон, сизга мусобақа голибларининг номи нигина айтиш қолди, холос. Биринчи ўрин ва пул мукофоти 30-қурилиш бошқармасининг гишт терувчилари Владимир Воробьёв ва Гафур Муҳаммаджоновларга, иккинчи ўрин Мария Уклеина ва Валентина Наумоваларга берилди. Улар ҳам 30-қурилиш бошқармасидан, учинчи ўрнини 23-қурилиш бошқармасидан В. Дюдина ва В. Ткачева эгалладилар.

М. ЗАЕДИНОВ.

«Главташкентстрой» 3-трестининг меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи.

СУРАТЛАРДА: В. Воробьёв ва Г. Муҳаммаджонов иш устида, М. Укленна ва В. Наумовалар «қумуш медаль» совриндорлари бўлишди.

А. Герасимов фотоси.

• Постлардан дараклар

ВАҚТ КУТМАЙДИ

Трестимиз 2/1 Шимоли—Шарқ массивидаги Ц—26 кварталида турар жой биноларини бунёд этмоқда. Массивдаги уч бино қурилишида «Ташмосстрой» қурилиш бошқармасининг Иванов, Гараева ва Секлецовалар бошлиқ пардозчилар бригадалари меҳнат қилмоқда. 120 бўёқчи кунлик топшириқни 30—40 процент ошириб бажаришга эришмоқда.

Ҳозир пландан ташқари 4-уй топширишга тайёрланяпти. Уни биринчи декабрга қадар давлат қабул комиссиясига топшириш тадбирлари кўрилмоқда. Массивдаги бошқа уйларда ҳам инженерлик қурилмалари ва тармоқларини бунёд қилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

Ц—26 кварталидаги 11-турар жой биноси бугун-эрта фойдаланишга топширилади. Бу ерда пардозловчилар ўз ишларини ниҳоясига етказишмоқда, 9-уйда эса инженерлик тармоқларини қуриш ишлари тугалланмоқда.

Октябрда авж олган юқори суръат ой охирига қадар шундай давом этса, катта муваффақиятларни қўлга киритиб, социалистик мажбуриятларни ошириб бажаришни таъминлаш мумкин.

Д. ХАРИСОВА,
«Жилстрой» трести диспетчери, ишчи-мухбир.

СУРЪАТ СУСТ

Ҳозир бизнинг бригадамиз Юнусобод массивидаги Аҳмад Дониш кўчаси бўйидаги 24 квартирали турар жой биноларини қурилишини олиб бормоқда. Бешта ана шундай бинодан бир йўғи биттаси фойдаланишга топширилди.

Бошқармамиз ҳозир бутун кучни 29-уйда пардозлаш ишларини тугаллашга сафарбар этган. Бу ерда 35 пардозловчи ишламоқда. Бироқ, қурилиш суръатлари бизни мутлақо қаноатлантирмайди. Айниқса, бинокорлик материаллари таъминоти ёмон аҳволда, ишчи кучларидан рационал фойдаланилмаяпти.

Трест партия ташкилоти қурилиши чўзилаётган объектларда назоратни кучайтириш мақсадида бу объектларда партия группаларини тузишга аҳд қилди. Бунда «Тошкент оқшоми» мухбирлар пости ҳам катта ёрдам беради деб ўйлаймиз.

А. НАЗАРОВ,
«Главташкентстрой» тўртинчи трести 4-қурилиш бошқармаси бригадири, бошқарма мухбирлар постининг аъзоси.

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида трестимиз қурувчилари 49 минг 400 квадрат метр турар жой майдонини фойдаланишга топширишлари керак эди. Бу топшириқни уддалай олмадик.

Шимол Д—2 массивида ҳамон 8 та панель уйни монтаж қилиш давом этмоқда. ТошМИ массивида 12 та коттеджан фақат 6 таси қуриб битказилди. Бу микрорайондаги ётоқхона қурилишини туғаллашда пардозлаш трести қурувчилари панд бериши. Улар мўлжалдагидан бир ҳафта кейин ишга киришдилар.

Шу микрорайондаги 2 та тўққиз қаватли турар жой биносини қуришда ҳам шундай аҳвол рўй берди.

Ой охиригача биз 23 минг 506 квадрат метр турар жойни фойдаланишга топширишимиз керак. Октябрь ойи турар жойларни фойдаланишга топшириш планимиз қай даражада реал эканлигини кўрсатади.

Г. ПАК,
6-трест бош технологи, мухбирлар пости раҳбари.

Тошкентликлар «оқ олтин» далаларида

5 МИЛЛИОН 300 МИНГ ТОННА УЧУН

ИНСТИТУТ АГИТБРИГАДАСИ

Республикамизнинг 5 миллион 300 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этишда дала меҳнаткашлари билан шаҳарликлар ҳам актив қатнашмоқдалар. Тошкент Маданият институти пахта йиғим-терими бошланиши олдидан пахтакорларга маданий хизмат кўрсатиш мақсадида студентлар агитбригадасини ташкил қилган эди.

Агитбригада Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхозда ва «Оққўрғон» совхозида, Чиноз районидаги Калинин номли ҳамда «Янгиобод» хўжаликларида маданий хизмат кўрсатди. Хушоғоз хонанда ва раққоса студентлар дала шийпонларида концертлар бериб, теримчиларни хушнуд этдилар.

Бадний ҳаваскорлик коллективи яна бошқа хўжаликларда бўлиб, ана шундай маданий хизмат кўрсатиш ниятида.

ТЕРИМ СУРЪАТИ БАЛАНД

Ўрта Осиё Медицина педиатрия институтининг 3200 дан зиёд студентлари Сирдарё область, Ильич районидаги Г. Титов номли совхоз далаларида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

4 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини уйишга аҳд қилган бўлгуси шифокорлар терим суръатига-суръат қўшмоқдалар. Айниқса кунлик кўрсаткич ҳар бир студентга 150 килограммдан тўғри келаётган 2-курс студентлари мусобақада пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Доцентлар С. Асомов ва Р. Султоновлар етакчилик қилаётган бригадаларда кунлик кўрсаткич айниқса юқори бўляпти.

Студентлардан Н. Ниёзметов, Ф. Султонова, М. Шодиевларнинг номлари илғорлар рўйхатидан ўрин олган.

Студентлар ҳозиргача 1200 тоннадан зиёд пахта теришди. Ҳар куни хирмонга 140 тонна дўрдона тўкилянти.

Институтнинг «Навбаҳор» ансамбли тез-тез дала шийпонларида бўлиб концертлар бермоқда.

ШАҲАР ШТАБИ МАЖЛИСИДАН

БАҲОНАЛАР БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

«Главташкентстрой» бошлиғи хонаси. Соат роппа роса 17.00. Турар жойни фойдаланишга топшириш бўйича шаҳар штаби мажлиси бошланди. Мажлисни бошқарма бошлиғининг ўринбосари Латиф Зокирович Тоиров олиб борди. 17 октябрда бўлиб ўтган бундан аввалги мажлис қарорларининг бажарилиши муҳокама қилинди.

Уйсозлик комбинати, 6-трест ва «Таштрансспецстрой» раҳбарлари йиғилганларга штаб топшириқларининг бажарилиши ҳақида гапириб беришди.

Йил охирига ча «Главташкентстрой» 273.668 квадрат метр турар жойни фойдаланишга топшириши керак. Октябрь ойида 109.542 квадрат метр, ноябрь ойида 98.484 ва декабрь ойида 65.242 квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилиши керак.

13 октябрда бўлиб ўтган мажлис протоколида 6-қурилиш трести ва Тошкент уйсозлик комбинати фойдаланишга топшириши керак бўлган ҳар бир турар жой биноси бўйича аниқ топшириқлар ёзиб қўйилган.

...Мана, бир неча кун ўтгандан кейин мажлисга раислик қилаётган Л. З. Тоиров Тошкент уйсозлик комбинати қураётган 24 квартирали 65-уй бўйича протоколнинг биринчи бандини ўқийди.

Комбинат бош қурувчиси ўртоқ Жилинский-нинг турар жой биноси 1976 йил 15 октябргача давлат комиссиясига топширилиши ҳақидаги аризаси қабул қилинсин.

«Таштрансспецстрой» бошқарувчиси ўртоқ Расуловнинг бинонинг ташқи қисмини безаш ва атрофини ободонлаштириш ишлари 14 октябргача тугалланиши ҳақидаги аризаси қабул қилинсин...».

Б. Жилинский турлитуман баҳоналар билан ўзини оқлашга ҳаракат қилди. Натижада янги протоколга раис қуйидагиларни ёзиб қўйди: «Уй фойдаланишга топширилмади», «Газовиклар сантехника ишларини тугаллашмади». Маълум бўлишича, штабнинг бошқа топшириклари ҳам бажарилмаган экан.

Тошкент уйсозлик комбинати ва 6-қурилиш трести барпо этаётган қолган 15 та уйнинг қисмати ҳам шундай бўлди. Яна протоколга «Иш олиб борилянти», «Иш олиб борилмаяпти», «Бажарилмади» деган сўзлар ёзилди.

Хўш, ўзи нима бажарилган? Ҳозирча протоколда бу графа бўш турибди.

Масалан, Тошкент уйсозлик комбинати раҳбарлари Қўйлиқ—4 массивида 2 та 24 квартирали уйни фойдаланишга топшириш муддатини чўзиб юборишди. Улар ўзларининг ёрдамчи пудратчилари ва бошқа қурилиш ташкилотлари билан учрашишга ваъда беришганди. Вақт ҳам бор эди, бу иш зарур ҳам эди, лекин учрашув юз бермади. Оқибатда корхона раҳбарлари бошқарма раҳбарларига янги баҳоналар айтишди.

Агар қурувчилар амалда риоя қилмасалар, шаҳар штаби турар жойларни фойдаланишга топшириш графигини тузишидан нима фойда? 6-қурилиш раҳбарлари нима учун турар жой қурилишида мавжуд 336 кишидан атиги 120 кишидан фойдаланишди.

Шаҳар штаби аъзолари «Главташкентстрой» бўлинмаларидан бундай ишлашни кутишмайди.

П. СЕЛЕЗНЕВ.

ФУТБОЛ

ЕВРОПА СОВРИНЛАРИ УЧУН

Кеча уч совет командаси Европа футбол совринлари учун навбатдаги учрашувларни ўтказди.

Европа чемпионлари Кубогининг биринчи нимчорак беллашувида Киев динамочилари Грециянинг «ПАОК» командаси устидан 4:0 ҳисобида галаба қозонишди.

УЕФА Кубоги учун курашда Донецкнинг «Шахтёр» командаси Будапештнинг «Гонвед» командасини 3:0 ҳисобида маглубиятга учратди.

Тбилиси динамочилари эса қитъа кубок эгалари Кубоги учун курашда кутилмаганда ўз майдонларида Будапештнинг МТК командасига 1:4 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

Ўзбекистон ССР геология министрлигига қарашли Тошкент «Геологоразведка» заводи капитал ремонти цехининг И. Раҳимов бошчилик қилаётган участкада асосан геология қидирув ишлари учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ремонт қилинади. Участка ишчилари ўзларига топширилган ишга ҳамиша катта масъулият билан ёндошадилар. Шунинг учун ҳам улар томонидан бажарилган ремонт ишлари аъло сифатли бўлади. Бу цех коллективи ҳам барча қатори ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили учун ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар қабул қилган. Ваъдасига вафодорлар шу кунларда ана шу мажбуриятга яраша меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: участка бошлиғи И. Раҳимов ва слесарь-ремонтчи П. К. Клочковлар бажарилган ремонт сифатини кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон ва **В. Сироткин** фотоси.

Партия ўқувининг юксак самарадорлиги учун

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ЎҚУВ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДАГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ БОШЛАНИШИГА ДОИР

Партия ўқуви меҳнаткашларнинг ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбия бирлигини таъминлашда, уларни хўжалик ва маданий қурилишнинг навбатдаги вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга сафарбар этишда муҳим омил ҳисобланади. КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига Ҳисобот докладида: «...коммунистларни ва партиясизларнинг тобора кенгроқ оммасини партия ўқувига тортишга бўлган эътиборни камайтирмай туриб, бу ишнинг мазмуни тўғрисида, унинг назарий даражасини ошириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш...» зарурлиги қайд этиб ўтилди. Марксизм-ленинизм назариясини коммунистик қурилишнинг практикаси билан, ўнинчи беш йиллик план ва социалистик мажбуриятларини бажариш учун меҳнат коллективларининг кураши билан узвий боғлаб янада чуқурроқ ўзлаштириш зарурлиги КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувининг вазифалари тўғрисида»ги қарорида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Партия Марказий Комитети, партия ташкилотлари идеология активи куч-ғайратини олинган билимлар тингловчиларда актив ҳаётий позиция қарор топтиришга, кундалик меҳнат жараёнида амалга оширишга ўргатишга, ўз устида ишлашга, ижодий фикрлашга, ҳаётий тажрибага эга бўлган, ишчилар синфи ва меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларини ифодаловчи

ДЎСТЛИК ТУЙҒУСИ

Совет оиласи мактаб билан биргаликда фарзандларимизда ватанпарварлик, интернационализм ва бошқа инсоний фазилатларни шакллантиради. Бу иш ота-оналар зиммасига жиддий масъулият юклайди, улардан маълум педагогик билимларга эга бўлишни талаб этади.

Кишида хулқ-атвор жуда ёшлик чоғларидаёқ таркиб топа бошлайди. Бола ҳам мактабга кириб ўқимасдан олдинроқ баъзи бир хулқ-атвор ва ахлоқ қоидаларини онлада ўрганган бўлади. Агар бола оилада яхши тарбия олса, ундаги яхши хулқ-атвор кўртакларини мактаб тарбиялаб, камолга етказади.

Ҳар бир ота-она ўғил ва қизининг бахтли келажагини таъминлаши учун болага яхшилик хусусиятларини сингдириш борасида доимо оилада ахиллик бўлиши, эр-хотининг ўзаро фикрлашув бирлиги асосида тадбир ва муҳоката билан иш тутишлари зарур. Зотан, оила мустаҳкамлиги жамиятнинг мустаҳкамлигидан далолат беради. Оила — жамиятнинг пойдевори ҳисобланади.

Бола мактабга қадам қўйгач, унинг синфида ва бошқа ёнма-ён синфларда дўстлари кўпаяди. Лекин бу ҳали кичкина болалар коллективи. Бу коллективда ҳали қоида, ташкилотчилик йўқ. Буни жонлантириш, дўстлик туйғуларини болаларга сингдириш иши мактаб зиммасига тушади.

Боланинг дўст танлашида ота-оналар бефарқ қарашлари мумкин эмас. Лекин боланинг танлаган дўстларини камситиш, ёки «фалончи билан дўстлашма», «фалончи билан дўст бўл», — деб айтиш нотўғри бўлади.

Бола доимо бошқа болалар билан дўст бўлишга интилади. Бола дўст топганда, унинг кўнглига қараш керак. Балки у дўстини яхши билади, чунки улар бир-бировига яқин турадилар, балки у қизиқарли ўйинларчи билар, балки у бола ташқи кўриниши билан, кўпинча, бизга сезилмаган ҳаракатлари билан ёққандир.

Ота-оналаримиз ўз фарзандларининг тарбияси тўғри бўлиши учун, уни ўраб турган атрофдаги болаларни ўрганишлари керак. Ота-оналарнинг бошқа болалар билан бўлган муносабати, педагоглар билан алоқаси боланинг тарбияси учун зарур бўлган муҳитни ташкил қилади.

Шундай қилиб, болаларни интернационализм руҳида тарбиялашда фақат мактабгина эмас, балки ота-оналарнинг роли ҳам каттадир.

К. ТОШМУРОДОВА,
Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг илмий ходими.

Китоб жавони

«ДИЛОЗОР БЎЛМАНГ»

Одамлар билан хушмуомала бўлиш, ғамхўрлик қилиш, ташвишли кунларида ҳамдардлик кўрсатиб, ёнида туриш, бировнинг дилига озор бермаслик энг юксак инсоний фазилатдир. «Дилозор бўлманг» китобининг авторлари шу мазмундан келиб чиқиб, қуйидаги фикрларни айтадилар:

«Киши билан муомалада қўполлик, беадаблик, бетоқатлик, уни тушуна билмаслик, унинг кечинмаларини ҳис этмаслик каби характер-хусусиятларини ҳар бир киши ўзида, шунингдек атрофдаги кишиларда бутунлай, таг-томири билан йўқотиши керак».

Ширин муомала, самимий муносабат, ўзаро ёрдам, катта-кичикка ҳурмат-иззат, ондадаги иноқ-тотувлик, ҳамма-ҳаммаси кўпи умрига умр қўшади. Албатта, ҳамма одамларнинг характер-хусусиятлари бир хил эмас. Уларнинг бирида мавжуд хусусият ёки фазилат иккинчисида бўлмаслиги, ёхуд аксинча бўлиши мумкин. Китоб муаллифлари кишиларнинг хусусиятларига қараб 4 хил таъриф берадилар.

Муаллифлар китобда оила, ишлаб чиқариш, социал шароит ва бошқа ҳолатларда инсоннинг таъсирлариши синқбатида келиб чиқадиган психик бузилишларни баён этганлар, шу билан бирга мавжуд бузилишларнинг бартараф этиш йўллари ҳам кўрсатиб ўтилган, энг муҳими, невротик бузилишларда кўриладиган профилактик тадбирларга алоҳида ўрин берилган.

Медицина фанлари кандидатлари И. Т. Ураков, Ю. Б. Тарнавский ва В. В. Кулиководларнинг психик саломатликни қандай сақлаш кераклиги ҳақидаги бу китобини Ўзбекистон «Медицина» нашриёти кенг китобхонлар оммасига мўлжаллаб чоп этган. Китобни М. Исмоилов ва Р. Абдиевлар таржима қилишган.

Т. РАВШАНОВ.

ГЕОРГИЙ ГУЛИА

ЦИОЛКОВСКИЙ ҲУЗУРИДА

ҲИКОЯ

Кўз палласи Ока дарёси саёз бўлиб қолади. Унинг кенг ёйилиб оқаётган сувлари аллақандай рангсиз тусга киради. Бу ердан Калуга шаҳри, осмонга бўй чўзган кумушсимон ракета аниқ кўриниб туради.

Шундоққина дарёга келиб тақалган кўчанинг энг бошида ёғоч уй турибди. Бир вақтлар у бир қаватли бўлган. Уйни ўқитувчи Циолковский сотиб олган эди. Бир гал — асримизнинг бошида Ока дарёси тошиб кетганидан кейин иккинчи қаватни қуриш лозимлигини уй эгаси тушуниб қолган.

Уй қайта-қайта ремонт қилинганлигини пайқаш қийин эмас. Бир замонлар бу уй Калуга страхование жамияти томонидан суғурта қилинган эди. Мабодо ўша пайтда ўт тушиб қолса борми, уйни ҳеч қандай ўт ўчириш командаси бахтсиз ҳодисадан сақлаб қололмас эди.

Уй ичида болта товуши, ранданинг ширилдаши кўп бор янграганини билиш қийин эмас. Деворлар қирқ ямоқ бўлиб кетган. Бир хона иккинчи хонага ёпишиб турганга ўхшайди. Иккита қўлбола зина юқорига қараб чўзилиб кетган. Айвонининг олди очиқ бўлганлиги учун қишда иситилмаган. Уй хўжайини қиш палласи дастгоҳини бу ердан ичқарига— иссиқроқ хоналарга олиб кирган.

Хонанинг деярли қоқ ўртасида ошхона жойлашган. Каттакон рус печкаси худди одам танасидаги юрак сингари уйни иситиб турган. Хонадаги қақир-қуқурлар тор уйни яналм торайтириб юборгандек. Уй бекаси Варвара Евграфовна бу ерга эўрга сиққан.

Уйнинг энг муҳим қисми хўжайиннинг устахонаси бўлган. Циолковский ана шу устахонасиз ўз ҳаётини тасаввур қилолмаган. Ҳар сафар устахона вайрон бўлганида уни қайтадан қурган, турли анжомлар билан тўлдирган. Бу ерда у ҳам гимназия ўқитувчиси, ҳам олим, ҳам дурадгор ва темирчи сифатида меҳнат қилган. Бир одамга шунча ҳунар озлик қилмайди албатта.

Калугадаги бу қадимий уй Циолковский ҳаёт пайтида қандай турган бўлса ҳозир ҳам ўшандай. Ҳозир ҳам ўша ҳаво билан нафас олаётганга ўхшайди. Ҳатто асримизнинг теппа-тенг ёшдаги велосипед ҳам бут-бутун турибди. Олим ўзининг мана шу ягона уловини жуда яхши кўрарди.

Худди космик немадаги кабиналар сингари тор хоналарнинг биридан иккинчисига ўтар экансиз, уйга меҳмонга келган олимлар, техниклар ва репортёрларнинг саволига жавоб бераётган Циолковскийнинг товушини эшитгандек бўласиз. Ўша савол-жавоблар бирдан жонланадию уларни ёзиб олгингиз келади. Улар тахминан шундай жаранглайди.

— Константин Эдуардович...

— Илтимос, қаттиқроқ гапирсангиз. — Циолковский иккала кафтини қулоқларига тутади.

— Константин Эдуардович, бизнинг буғ ва электр асримизда...

— Нима дедингиз, буғ асри дейсизми?— Циолковский қовоғини солади.

— Ҳа-да, буғ ва электр асри, — дейди репортёр гапини қайтариб.

— Йўқ, отам. — Циолковский жаҳли чиқиб қўл силтайди. — Сиз замондан орқада қолибсиз. Неча ёшга чиқдингиз?

Қишлоқ саҳнасида Хлестаков кийиб чиқадиган костюмга ўхшаш катак-катак пиджак кийиб, галстук тақиб олган, қизғиш сочли репортёр ийманиб жавоб қилади.

— Йигирма олти.

— Сиз, азизим, янги асрга қадам қўйганимизни унутманг. Янги аср бошланганига ўн йил бўлди. Уёғини сўрасангиз, буғ асри ўтмишга сингиб кетяпти. Тўғри, электр ҳали кўп иш беради. Лекин энди янги аср— учиш асри бошланяпти.

— Нима дедингиз?

— Учиш асри. Энди одамлар ерда судралиб юрмайди. Фазога учади. Бодузн де Куртенэ ёки Дальнинг тили билан айтганда парвоз асри бошланяпти. Учиш—бизнинг асримизда одамзоднинг асосий касби бўлиб қолади. Сиз бўлса, ҳалиям буғни гапириб ўтирибсиз. Яхшимас, йигитча.

— Кечирасиз, Константин Эдуардович, чўғимда сиз ҳийла илгарилаб кетдингиз.

— Сизнингча нима қилай бўлмаса? Орқага қараб юрайми?

Репортёр дафтарчасидаги аллақандай ёзувни ўчиради.

— Уйингизнинг бурчагида самокат турган экан.

— Хўш, нима қипти?

— Ана шу самокатдан парвоз аппаратигача бўлган масофа озмунча эмасдир ахир. — Репортёр Циолковский яратган учиш аппаратининг моделига қараб қўйди.

— Нима, ҳазиллашяпсизми? Биласизки, мен муаллимман. Саводли одамларни яхши кўраман.

— Константин Эдуардович, тўғриси мен ҳам университетни битирганман. Юрьев университети.

Циолковский кўзойнагини тўғрилаб жилмаяди:

— Мен бўлсам, отам, олий маълумот ололмаганман. Афсус, университетни тугатган эмасман.

— Қанақасига? Ахир мен сизнинг китобингизни ўқиганманку. «Само бўшлиқларини реактив асбоблар билан тадқиқ этиш» деган китобингизни. Сиз қаерда ўқигансиз? Сизнинг домлангиз ким? Ким сизга бунақа... нима десам экан...

— Хом хаёлларни ўргатган демоқчимисиз?— Константин Эдуардович унинг гапини бўлди.

— Йўқ, йўқ.

— Уялманг, йигитча. Кўнглингиздагини айтаверинг.

— Мен айтмоқчиманки, бунақа дадил фикрларни сизга ким ўргатган демоқчиман.

Константин Эдуардович хўрсинди.

— Ҳеч ким. У бир зум жим қолди-да, қўшиб қўйди. — Албатта, ҳеч ким ўргатмаган дейиш қийин. Бундай фикрларни менга айтган одамлар бор. Мен мактаб партасида ўтирганимдаёқ уларнинг гапига қулоқ сола бошлаганман.

— Ким ўша одамлар?

— Марҳамат, айтишим мумкин. — Константин Эдуардович бармоғини букади. — Биринчиси Архитас. Бу одам Исо пайғамбардан илгари яшаган. Мана шу юнон каптар ясаб учишидаги асбобни— реактив асбобни ясаган. Ипга боғлаб қўйилган бу каптар бемалол учган. Бу биринчиси. Ундан кейин Геронниг пуфагини олайлик. Бу пуфак буғ таъсирида айланган. Иккита бўлдими? Энди «Ҳо-цзян» ўқ-ёйини эшитганмисиз? Бу ўқ-ёй порох таъсирида учган. Бу усулни қадимги хитойлар қўллашган. Учта бўлдими? Энди Хас, Фронспергер, Шмидлап, Семеновичларнинг китобларидаги ракеталарни олинг. Буларнинг ҳаммаси бир неча аср илгариги гаплар. Бундан бир-икки аср илгари яратилган рус ракеталари, бизнинг Шильдер яратган, юз йил илгари синаб кўрилган сув ости ракеталаричи? Хўш, яна қандай устоз керак одамга?

Константин Эдуардович илдам ўрнидан турди. Репортёрнинг қўлидаги дафтарчага имо қилди.

— Дафтарингизга ёзиб қўйинг, йигитча, биз самога парвоз қилиш ҳақида қанча нўп гапирсак, юлдуздан юлдузга учиш тўғрисида қанча кўп гап айтсак, йигирманчи асрнинг бош мақсадига шунча кўп одамлар ишонадиган бўлади. Уёғини сўрасангиз, меннинг бошқа ниятларим ҳам бор. Одамларни бора-бора космик бўшлиқларга кўчириш керак бўлади.

— Кечирасиз, бунисиз энди фантастикадан олинган гап бўлса керак? Ҳатто, бу тўғрида ўйлаб-ўйига ҳам етолмайди киши.

— Йўқ, бу хом хаёл эмас. — Константин Эдуардович ўз жойига ўтириб, қоғозга аллақандай чизиқ нарсанинг расмини чизади.

— Худди чўпчакка ўхшайди, — дейди репортёр ийманиб.

— Ҳа, чўпчакка ўхшайди. Кўп мухбирлар мени хаёлпараст деб ўйлашади. — Циолковский репортёр йигитга қаради-да, жилмайиб қўйди. — Эҳтимол мени жинни ҳисоблашса керак.

— Йўғ-е, қўйсангизчи!

— Йўқ, йўқ, ҳарқалай жинни деб ўйлашса керак. Рост-да, одамзодни аллақандай фазо бўшлиғига кўчиришни гапириб ўтирган кишини жинни демай бўладими? Лекин аслини олганда, — Константин Эдуардович тагин ўрнидан туриб репортёрнинг елнасига қўлини қўйди. — Ҳали биз янги даврга қадам қўямиз. Ҳали инсон боласи қанот чиқариб, Ойга, бошқа планеталарга учади. Ана ундан кейин кўрасиз. Ҳеч ким ерга ёпишиб ўтирмайди. Одамзод олис сайёраларни мўлжаллайдиган бўлиб қолади.

— Қандай қилиб!

— Ахир учувчи аппаратлар бекорга яратиладими? Реактив ҳаранатдан фойдаланилмаса ракеталарнинг нима кераги бор. Ракеталарни осмонга учиришади. Инсон космосга парвоз қилади. Бу — эсини еган чолнинг валдирашн эмас. Бу ишлар аниқ ҳисоб-китоблар билан амалга оширилади.

— Сизнинг ҳисоб-китобларингиз биланми?

— Ҳисоб-китоблар ичида меники ҳам бўлади.

Репортёр дафтарчасини варақлади.

— Сиз буларнинг ҳаммасини қаердан ўрганганисиз?

— Ўзим ўқидим. Мен университетда ўқий олмадим. Иложим йўқ эди. Азизим, бир нарсани айтиб қўйишим мумкин. Мен муаллимлигим ниҳоятда яхши кўраман. Асосий вақтимни болаларга билим беришга сарфлайман. Бошқа пайтда эса ўзимча машқ қиламан. Менинг университетим битта. У ҳам бўлса— китоб. Бунинг устига оила боқиш ташвиши, асбоб-анжом, китоб сотиб олиш ташвиши бор. Асбоблар билан китоблар бўлмаса, турмуш-турмушим уч пул. Ҳамма ухлаб ётганида мен китоб ўқийман. Ҳамма дам олаётганида мен мутолаа қиламан. Физика, математика, химия — мана менинг ноним. Бу фанлар бўлмаса мен нима қилардим? Уз устимда ишламасам нима деган одам бўлардим? Биламан, жаноб профессорлар, жаноб академиклар менинг ёзганларимни кўриб калондимоғлиқ билан қўл силтай қўйишади. Майли, худога солдим, мен хафа бўлмайман. Хафа бўлишга вақтим ҳам йўқ.

(Давоми 4-бетда).

МАРД КИШИЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Давлат мукофотининг лауреати ёзувчи Василь Биков ўзининг асарларини ғолиб совет кишисининг қаҳрамонлигига, унинг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган тарихий жасоратига бағишлаган.

«Мосфильм»да В. Биковнинг «Сотников» деган повести асосида «Камолот» деган янги бадиий фильм Л. Шепитько режиссёрлигида суратга олинди. Партизанлар отрядида мардонавор жанг қилган қишлоқ ўқитувчисининг тақдири фильм ижодкорларининг диққат марказида турган. Асирга тушиб қолган, қийноқ-озоблар иродасини буколмаган Сотников ҳамкураш ўртоқларига хиёнат қилмайди.

В. Биковнинг повестлари ва ҳикояларига белоруссиялик ёшлар, ўн етти яшарлигида фронтга жўнаб кетган, бўлғусн адиб бошидан кечирган ҳақиқий воқеалар асос қилиб олинган. Биков кўпгина жангларда иштирок этган, 1945 йилнинг зафарли май ойини Венада кутиб олган.

Томошабинлар В. Биковнинг экранлаштирилган асарлари — «Бўрилар галаси» ва «Тонг отгунча омон бўлсак» фильмлари, «Урушнинг олис йўллари» кўп серияли телевизион лентаси билан таништирилар. Ҳозир Горький номли болалар ва ўспиринлар марказий студиясида режиссёр Р. Викторов унинг «Обида» повести асосида янги кинофильмни суратга олмоқда.

(ТАСС.)

Одоб қоидалари

ДАСТУРХОН БЕЗАШ

Ҳар бир оила меҳмон кутиш, ёр-биродарлар билан вақт-хурсандчилик қилишни яхши кўради. Бунинг учун алоҳида тайёргарлик кўрилади.

Ҳар бир миллатда миллий таомлар бўлгани каби, меҳмон кутишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари ҳам бўлади.

Ҳозирги пайтда ҳамма учун удум бўлган умумий қоидалар ҳам бор. Масалан, дастурхонга гулдасталар қўйиш, салфеткалардан фойдаланиш кенг удум бўлган. Гулдаста катта бўлиши шарт эмас. У одамларнинг бир-бирини кўриб, суҳбатлашиб ўтиришига халақит бермаслиги керак. Уни дастурхоннинг ўртасига қўйиш ҳам шарт эмас. Маъқул жойга қўяверса бўлади. Шунингдек, гулни вазада келтириб қўймасдан, дастурхоннинг турли чеккаларига бир жуфт-бир жуфтдан гул ташлаб қўйиш ҳам мумкин.

Одатда стол атрофига тернлган стуллар жуда ҳам сиқилиб турмаслиги, меҳмонлар ўтираётганда ёки тураётганда бир-бирига халақит бермаслиги лозим. Қўл сочиқни ҳар бир киши учун алоҳида — стул суянчиғига ташлаб қўйса бўлади.

Ҳозирги столларнинг кўпига жило берилган. Унинг жилосига панд етмаслиги учун дастурхон остидан ҳўшқо мато ташлаб қўйган маъқул. Унинг устидан дастурхон ёзилганида иссиқ овқатли идишнинг таъсирида жилога панд етмайди.

Дастурхон ҳамиша тоза бўлиши керак. Шунингдек, у идиш безакларига мос бўлиши лозим. Агар идишлар чипор гулли бўлса столга сидирга ранг дастурхон ёзган маъқул. Агар аксинча, идишлар сидирга бўлса, сидирга дастурхон ҳам, чипор рангли дастурхон ҳам мос келаверади.

Овқатланиш пайтида қўйиладиган идиш-товоқларни жойлашнинг ҳам алоҳида тартиби бор. Аввало ҳамма идишлар тоза бўлиши шарт. Қолаверса, дастурхондаги коса ва тарелкалар текис ва бетартиб туриши лозим. Пичоқлар тарелкалнг ўнг томонига қўйилади, унинг дами тарелка томонга қараб туриши керак. Вилка эса чап томонга, учини юқорига қаратиб қўйилади. Қошиқлардан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос қоидалари бор. Овқатланган пайтда турли қошиқлардан фойдаланилади. Одатда қошиқлар тўнкариб қўйилади. Шўрва учун ишлатиладиган қошиқ тарелканинг ўнг томонига, пичоқдан олдин қўйилади. Туздон, қалампир идишлари ўртароқдан жой олади.

Агар давра кичикроқ бўлса, ошни битта лаганда ейиш мумкин. Давра катта бўлганида эса кичик тарелкалар тарқатилади. Ҳар ким ўзи хоҳлаганча ошни лагандан тарелкасига солиб олиши мумкин. Овқатдан кейин, ичиладиган лимонад, мева шарбати ёки минерал сувлар учун махсус бокалдар ишлатилади. Бунинг учун қизил бокалдар ишлатилса, янада чиройлироқ кўринади.

Қадаҳларни жойлаштириш тартиби ҳам бор. Одатда қадаҳ меҳмоннинг ўнг қўл томонида туриши лозим. Ҳар турли ичимлик учун турли хил қадаҳлар ишлатилади. Десерт ва ширин винолар учун лоларанг кенг қадаҳ, оқ вино учун эса баландроқ қадаҳ ишлатган маъқул. Одатда шампан виноси учун энг узун қадаҳ қўлланилади. Ичимлик қанчалик кучли бўлса, уни қуйиладиган қадаҳ шунчалик кичик бўлади. Масалан, коньяк учун ихчам қадаҳдан фойдаланилади. Қайси меҳмон қандай ичимликни кўнгли тусаши қараб, унга ўша қадаҳда май узатилади. Агар қадаҳлар катта бўлса, кучли ичимликлар унга тўлдириб қуйилмайди. Идишнинг учдан бир қисмигача ичкилик қуйилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, дастурхон безашнинг қоидаларини шароитга қараб ўзгартириш мумкин. Уй бекасининг дидига қараб, ҳар доим дастурхонни чиройли қилса бўлади.

Н. ОЧИЛОВ.

«Бахтиёрларнинг завқли меҳнати».
Ю. Трубников фотоэтюди.

✦ ШИНГИЛ МАСЛАҲАТ

ЖУН КОСТЮМНИ ТОЗАЛАШ

Жун костюмни навшадил спирти солинган сувда (бир литр сувга 2 ош қошиқ солинади) ҳўлланган чўтқада тозалаш керак. Костюмни юмшоқ тўшама устига ёзиб қўйилган ҳолда чўтқаланади, сўнг оқ латта орқали дазмолланади ва пастдан юқорига қаратиб сал-пал чўтқалаб туклари тўғриланади. Агар костюм мунтазам тозалаб турилса, кўриниши узоқ вақтгача ўзгармайди.

РИЗОУДДИН ИБН ФАХРИДДИН

УЙ ФАРИШТАСИ

Хотин одам боласида бўлган хулқларни гўзаллантиришга сабаб бўлувчи ва қаттиқ кўнгилларни юмшатувчи, инсонларнинг ахиллик билан яшашларига боис бўлувчи эўр қувватдир.

Эзгу хотин эрининг мол-дунёсини исрофдан сақлайди, эрининг боёшига тушган қайғу-ҳасратларни йўқотишга бор кучқудратини сарф этади. Эзгу хотин сира камаймайдиган хазина, эрининг мушфиқ, раҳмдил йўлдошидир.

Оиланинг асл таянчи—хотиндир. Чунки инсонлар ахлоқ, тарбия хусусида хотинлардан аъзоларини, оилага муносабати бўлган дўстларни ва кўни-қўшниларини ўзининг гўзал тарбия ва ахлоқи билан мамнун қилади, ўзи ҳам бахтли бўлиб умр кечиради. Аммо тарбиясиз хотин бунинг акси оиласининг ҳамма бахтсизликларига сабаб бўлади, ўзи ҳам бахтсиз яшайди.

Бир инсон ҳар қанча бой ва мартаба эгаси бўлса ҳам, хотини тарбияли бўлмаса, у инсон бахтли эмас, чунки бахт оила ичида роҳатланиб умр кечиришдан иборат бўлиб, оила ичида роҳат кўрмаган инсон оиласидан ташқари ерда роҳатлана олмайди. Шунинг учун хотинларнинг тарбияли бўлишлари зарурдир. Улар учун илм ва тарбиядан мурод — ўз вазифаларини билишлари ва фазилат ўрганишлари, кейин булар билан гўзал равишда амал этишлари демакдир.

Инсонларни бахтли этадиган нарса фақат илмгина бўлмасдан илм билан бирга фазилатдир, яъни илм устига фазилат ҳам бўлса, инсон бахт-саодатга эришади. Бунга кўра одамларни саодатли этадиган нарса ҳар ким ўз вазифасини билиб, уни гўзал хулқ билан адо этишидир. Фазилат ва гўзал хулқ бўлмаса, илм дарахти мева бермайди. Инсонларнинг саодати тарбияга боғлиқ бўлиб, тарбия эса хотинлар қўлидадир.

Болаларга гўзал тарбия бера олмаган ва уларни адабли тарбияли этиб етиштира олмаган хотин жамиятга катта зарар келтиради. Тарбиясиз хотин қўлида ўсган болани ислоҳ этиш анча оғирдир, чунки бола онадан олган тарбияни умр бўйи унутмайди.

Шунинг учун энг аввал хотинларнинг тарбияли бўлишлари, одоб, ахлоқ, тарбия қоидаларини яхши билишлари керакдир.

Ш. ЗУННУН
тайёрлаган.

НОЗ-НЕЪМАТ КОМБИНАТИ

Шаҳримиз аҳолисини қишин-ёзин мева ва сабзавот маҳсулотлари билан тўла таъминлаш мақсадида янги замонавий омборлар қуриляпти.

Қизил тўқимачи станцияси яқинида барпо қилинаётган 2-мева-сабзавот комбинати ана шундай омборларнинг учинчисидир. Омборда бир йўла 30 минг тонна картошка ва 5 минг тонна пиёз сақлаш мумкин.

Комбинат биринчи навбатини шу йил охиригача ишга туширишни кўзлаган қурувчилар шу кунларда ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Қурилиш ишларида «Стальмонтаж», «Казмаш», шунингдек, «Главташкентстрой» 3-трестининг 36-қурилиш бошқармаси коллективлари иштирок этмоқда. Бу ерда, шунингдек, биринчи марта янги қурилиш материали — структурали плита ишлатилмоқда.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

ЖАҲОН ОЙНАСИ

СССР БИЛАН ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

БИСАУ. Гвинея-Бисау Республикасида «Гвинея-Бисау — СССР» дўстлик жамияти тузилди. Мамлакат пойтахти жамоатчилигининг Гвинея ва Яшил Бурун оролларидаги мустақиллиги африкаликлар партияси (ПАИГК) раҳбарлиги аъзолари иштироқида ўтган таъсис мажлиси шу тўғрисида қарор қабул қилди.

(ТАСС).

ЛОНДОН. Буюк Британия Коммунистик партиясининг Бош секретари Гордон Макленнан Ливерпулда сўзлаган нутқида қуйидагиларни айтди: Англия экономикаси олдида жиддий проблемалар турибди. Ҳукумат иқтисодий сиёсатини тубдан ўзгартирган тақдирдагина бу проблемаларни ҳал этиш мумкин.

Капиталнинг чет элга чиқиб кетаётганлиги, ҳарбий харажатларнинг ҳаддан ташқари кўпайганлиги, импорт устидан назорат ўрнатилмаганлиги, деди Г. Макленнан, мамлакатнинг иқтисодий аҳволини тобора нўпроқ мушкуллаштириб юборади. 1965—1975 йиллар даврида Англиядаги хусусий компаниялларнинг чет эллардаги инвестициялари беш баравардан знёд ортиб, 368 миллион фунт стерлингдан 1 миллиард 937 миллион фунт стерлингга етди. Шу давр ичида ҳарбий ҳаражатлар 2 миллиард 127 миллиондан 5 миллиард 270 миллион фунт стерлинггача кўпайди.

Иқтисодий сиёсат, тангликка қарши нураш программасида белгиланганидек, меҳнаткашларнинг манфаатлари кўзлаб амалга оширилиши лозим. Буюк Британия Коммунистик партияси, деди инглиз коммунистларининг раҳбари, ана шу программани тавсия этган эди.

Компартия, деди Г. Макленнан, ишсизликка қарши, социал эҳтиёжлар учун ажратиб бериладиган маблағларни қисқартириш сиёсатига қарши, иқчиликка қарши умуммиллий намойишлар ўтказилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Ойдин йўл

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголияси «Гэрэлт зам» («Ойдин йўл») қишлоқ хўжалиги бирлашмасининг раиси Д. Дэнсамбу бундай деди: «Халқ ҳокимлари йиллари ичида чинакам бахт-саодатли бўлган монгол аратининг бутун тарихи бамисоли қўёш қатрада акс этганидек бирлашмаларнинг номида, унинг тарихида ўз ифодасини топгандир. Бирлашма халқ Монголиясининг Архангай аймоғида жойлашган. 1938 йилда, бу хўжалик барпо этилганида унинг асосий фондлари уча кўп эмас, атиги минг тугрикча эди. Бор-йўғи икки кишиҳат-саводли эди.

Эндиликда хўжалик марказида мактаб, касалхона, магазин, меҳмонхона, болалар боғчаси бор. Бирлашма маблағлари ҳисобига қишлоқ меҳнаткашлари учун қурилган маданият саройи биносида пардозлаш ишлари тугай деб қолди.

Бирлашма ҳар йили кўп болали оналарга нафақа ва қариялларга пенсия учун 500 минг тугрикдан знёд пул ажратади. Хўжаликда катта машинатрактор парки бор. «Гэрэлт зам» бирлашмасининг асосий фондлари эндиликда 10 миллион тугрикдан ортди. Хўжаликдаги кўпчилик ходимлар саккиз йиллик билим эгаси, юздан ортиқроқ киши техникум ёки институтни тамомлаб чиққан.

Хўжалик ходимлари яшаган ҳар бир йил— революция монгол аратларига кўрсатиб берган ойдин йўлдаги янги бир босқичдир.

(ТАСС).

Жанубий Африка Республикаси. Кейптауннинг «оқ» районларида ва унинг чеккаларида африкалик ҳамда танасининг ранги турлича бўлган бошқа аҳолининг оммавий намойишлари давом этмоқда. Полициячиларнинг қуролли отрядлари намойишчиларга қарши қурол, нўз ёшини оқизадиган газ ва таёқларни ишга солмоқда. Намойишчилар орасида ярадорлар ва ўлганлар бор.

СУРАТДА: Кейптауннинг рангли аҳоли яшайдиган чеккаларида.

АП — ТАСС фотоси.

Яна бир сир очилди

НЬЮ-ЙОРК. Кўҳна Фив яқинида топилган қадимги Мисрга тааллуқли мўмиёнинг «кимлигини аниқлаш учун» қарийб 80 йил керак бўлди. Мичиган университетининг олимлари сирли мўмиё машҳур фиръавн Тутанхамоннинг бувиси қадимги Миср маликаси Тайнинг жасадидир деб эълон қилди.

Мўмиё даҳмадан 1898 йилда топилганди. Аммо археологларга қадар бу ерда талончилар ҳам бўлиб мўмиёнинг «шаҳсини» белгилашга ёрдам берувчи ҳамма буюмларни ўғирлаб кетганлар. Тез орада мўмиёнинг ўзи ҳам йўқолди. Бундан икки йил аввал Мисрдаги музей ходимлари омборлардан бирида шу мўмиёни тасодифан топиб олдилар.

Олимлар замонавий электрон-техника ёрдами билан узоқ вақт олиб борилган тадқиқотлардан сўнг айни малика Тай мўмиёси топилган, деган хулосага келдилар.

1922 йил маликанинг набираси — фиръавн Тутанхамон даҳмасидаги тилла ҳуққа ичидан олинган бир тутам соч... мана шу тадқиқотларда муҳим роль ўйнади.

(ТАСС).

Техника янгиликлари

АККУМУЛЯТОР АНЧА ЕНГИЛЛАШАДИ

Қўрғошинли аккумуляторнинг электр сиғимини сақлаб қолган ҳолда ўзини анча ихчамлаштириш мумкин. СССР Фанлар академияси Электрохимия институтининг олимлари стартер аккумуляторлар илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва технологик институтининг мутахассислари билан биргаликда шундай хулоса чиқардилар. «Қўрғошинли аккумулятор — энг кўп тарқалган кимёвий ток манбаи бўлганлигидан бу ишнинг халқ хўжалигида катта аҳамияти бор. Масалан, шу соҳадаги муваффақиятлар ҳозир Москва областининг йўлларида синаб кўрилаётган электромобилларни н г узоқроқ йўл босишига имкон беради. Электрохимиклар яна бир катта проблемани ҳал этишга киришдилар. Улар Узоқ Шимол учун қаттиқ иқлимий шароитларда энергия запасини йўқотмайдиган аккумуляторларни ишлаб чиқаяпти.

Н. ЦАРАПКИН,
(ТАСС мухбири).

(Боши 3-бетда).

Бу дунёда энг муҳим нарса ўзи севган ишни қилиш. Бировлар диплом йўқ деб мени масхара қилса, начора, индамай кетавераман. Ҳа, мен ўзимча ўрганиб одам бўлдим. Ўзича ўрганиш дегани, одам ўзўзини одам қилиш дегани бўлади. Лекин нима бўлганда ҳам ниши китоб ўқимай туриб, ўзини-ўзи одам қилолмайди. Китобда озмунча илм борми? Китоб қанчалик бебаҳо ҳазина эканини биласизми? Ахир инсон боласи дунёга келганидан буён тўплаган ақл — заковатини шу китобга жо қилганку. Тўғри, дорилфунунда ўқиш яхши. Лекин бунинг иложи бўлмасачи? Бунга шароит бўлмасачи? Бунда ўқиб одам бўлишнинг йўли битта. Одам иложи борича тезроқ қўлига китоб олиши керак. Майли, сени уста кўрмаган шогирд дейишақолсин. Бунинг айб жойи йўқ. Ўқимай аҳмоқ бўлгандан кўра, ўқиб уста кўрмаган шогирд бўлган яхши.

Репортёр олимнинг гапларини дафтарга шошапиша ёзиб оларди...

Циолковскийнинг уйидан нарироқда бошқа бир бино ойна ва бетондан қурилган уй турибди. Бу бино шундоқ ҳозирги тик соҳилда жойлашган. Калугага кириб келган ниши уни узоқдан кўради. Бу — Космонавтика тарихи музейи. Бу ерда қадим замонлардан бугунги кунгача бўлган реактив ва учувчи моделларнинг намуналари тўпланган.

Улкан, салобатли залда биринчи Ер йўлдошидан тортиб Ой сатҳига қўниб ўша ердан Ойнинг тупроғини олиб тушган улкан, кўп тонналик машинагача турибди. Бу ерда космоса учиш ва самодан қайтиш жараёнида қиз-иб кетганидан эриш даражасига келган кабина ҳам бор. Бу кабина ичида бизнинг космонавтларимиз ўтиришган эди. Улар соғ-саломат ерга қўнишган. Ҳозир ҳам соғ-саломат юришибди.

Бир аппарат олдидан иккинчисига ўтар эканиз, ана шу аппаратларни яратган одамлар, самога парвоз қилган космонавтларнинг суратларини кўрар эканиз, ҳар доим хаёлингиз Циолковскийда бўлади. Ахир мана шу олим планеталараро парвоз қилиш ҳақидаги фикрни қайта-қайта айтар эди, мана шу одам формула ва моделлар билан ўз фикрини илмий асосда исботлаб, пайғамбарлардек башорат қилиб, космос асри яқинлашаётганини таъкидлар эди.

Ҳозир бу нарса ғалати туюлади. Лекин 1890 йилда Циолковский ҳайрон «Металл аэростат қуриш имкониятлари» деган китоб ёзганди. Бу ерда гап дирижабль ҳақида борарди. Икки йилдан кейин эса «Бошқариладиган металл аэростат» деган китоб яратилди.

Ана шуларни ўйлар экансиз, Циолковский уйида кейинроқ бўлиб ўтган янги бир суҳбат қулоғингиз остида жаранглайди. Гражданлар уруши эндигина тугаган пайт эди. Калугага олимнинг олдига ёш

Георгий ГУЛИА

ЦИОЛКОВСКИЙ ҲУЗУРИДА

[ҲИКОЯ]

бир йигит келди. У шундай деди:

— Мен «фарман» ва «блериот»ларда учганман. Мен немисларнинг «цепелин» аэропланларини ҳам кўрганман. Мана шу чекка бир жойда туриб келажакда шундай машиналар бўлишини кўра билганлигингиз учун қойилман. Сиз бу гапларнинг ҳаммасини илмий жиҳатдан асослаб бергансиз. Агар сизга ёрдамчилар кўмак бериштанида, катталар салгина бўлса ҳам эътибор қилишганида ўз фикрларингизни амалда ҳам кўрсатардингиз.

Циолковский суҳбатдошининг гапига жимгина қулоқ солиб ўтиркан, сўради.

— Сиз ҳалиям авиацияда хизмат қиляпсизми?

— Йўқ, ҳозир мен техника билим юртида ўқияпман. Тўғри, билим олишга бироз кечикдим.

— Зиёни йўқ. Бу масалада мен ҳам кечикканман. Лекин ҳасрат қилаётганим йўқ.

Меҳмон билимдон йигит эканлигини яратган асарларни деярли ҳаммасини биларкан.

— Менинг дўстларим бор. Ҳозир биз авиациядан кўра кўпроқ бошқа нарсани ўйлаб турибмиз. Негаки, авиация амалга ошиб бўлган гап гап дейиш мумкин.

— Нима учун— Циолковский ҳайрон қолди. —Кўп ўринли аэропланчи? Сиз ҳали унинг моделини кўргандирсиз?

— Ҳа, кираверишда турган эди.

— Бу ҳам амалга ошган гапми?

—Бу ҳам деярли амалга ошиб бўлган.

Циолковский ҳайрон қолиб, «Ижтимоий ҳаёт» ёзилган бир йигитнинг ўз фикрини тушунтирди.

— Билмадим, балки биз шунчаки хаёлпараст одамлардирмиз. Балки биз ҳато қиларимиз. Лекин биз Ойга, юлдузларга учишни мўлжаллаяпмиз. Кўнглимизга бу ғулғулани сиз солдингиз. Бунга биз айбдор эмасмиз.

— Бўлса бордир.

— Сизнинг китобларингизни ўқиганимда ҳайрон қоламан. Сизнинг моделларингизни кўрганимда ҳайратга тушаман. Қизиқ, нима учун подшо ҳукумати сизга эътибор бермайди? Шунисига тушунолмайман.

Циолковский жаҳл билан бош чайқади. Стол тортмасидан бир варақ қоғоз олиб, суҳбатдошига узатди. Йигит қоғозни овоз чиқариб ўқиди.

— «Аэростатлар қандай кўринишда бўлмасин, нимадан ясалган бўлмасин, ўйлаб кўрадек шамолга эргашиб юришдан бошқа нарсага ярамайди».

Циолковский бармоғи билан столни чертиб қўйди. Бу билан у, мана шу ёғоч столда қанчалик иш бўлса, бу ишни ёзган амалдорларда ҳам шунчалик ақл бор демоқчи эди.

1896 йил. Циолковский кечалари, баъзан эса мактаб машғулотлари бошланишидан илгари эрталаб туриб муттасил ишлаш натижасида шундай хулосага келди: Космоса учиш учун бирдан-бир техник восита — ракеталар бўлади. У шундай деб ёзди: «Атмосферани тадқиқ этиш учун фақат реактив приборни яъни ракеталарни тавсия этаман. Лекин, бу ракеталар катта ва мукаммал бўлиши лозим».

Шундай қилиб, бундан юз йилларча илгари айтилган бошқа усуллар энди яроқсиз бўлиб қолди. Ракета учун махсус ёнилги керак эди. Циолковский бунинг учун углеводородларни тавсия қилди. Уларни ишга солиш учун эса суюлтирилган кислород керак бўлади. Бундан ташқари олим космонавтларнинг очиқ космосга чиқишини ҳам эътибордан қочирмади. Бунинг учун космонавт махсус скафандр ийнб олишини таъкидлади.

Олим ракета корпусига қўёш батареяларини жойлаштиришни ҳам назарда тутган эди. Негаки, қуёшнинг ажойиб энергиясидан фойдаланмаслик мумкин эмасди. Бу фикрларнинг барчаси, унинг «Ер ташқарисида» қиссасида таъкидланган.

Олим жуда кўп фикрларини аниқ формулалари ва математик мисоллар билан далиллаб берди. Хуллас, унинг фантазияси фан билан бирга қадам ташларди.

— Константин Эдуардович, сиз буларнинг ҳаммасига қандай қилиб эришдингиз? Биламан, сиз ахир университетда ўқиган эмассиз.

— Яширмайман, мен университетга қатнаган эмасман. Менинг дорилфунуним шу ерда, мана шу уйнинг биринчи ва иккинчи қаватида жойлашган. Менга ҳеч ким тажриба ўтказадиган асбобларни келтириб берган эмас. Бу асбобларни мен ўз қўлим билан ясаганман.— Циолковский шундай деб ўз қўлларига, ҳунарманд қўлларига имо қилади.

— Қойилман!

— Ҳеч қанақа қойил қоладиган жойи йўқ! Менинг шиорим битта. Ўзини ғаб ўтирмаслик, ишлаш керак. Фақат олдинга, ҳамиша олдинга қараб юриш керак. Агар шамол у ёқда турсин, кўкрагингдан бўрон итарса ҳам олдинга бос. Агар сен шундай қилмасанг, агар иссиқ ўрнингни совутгинг келмаса, бировнинг бепарволиги, бировнинг ишончсизлиги кўнглингда шубҳа туғдирса, унда бир чеккага чиқиб олганинг маъқул. Негаки, бундай қилсанг, ўзингни ўзинг овора қилган бўласан. Лекин, агар ўзингга ишонсанг, ўзингни ҳақ эканлигингни, бугун бўлмаса эртага исботлашингга аниқлигини билиб турсанг, йўлингдан қайтма, дадил олга кетавер.

Суҳбатдоши нимадир сўрамоқчи эди, Циолковский имо билан унинг сўзини оғзидан олди.

— Шошманг, мен фикримни тугатиб олай. Бу йўлга кирган одам учун фақат ишончнинг ўзи етмайди. Сен ўзўзингга ҳисоб беришинг керак. Нима учун яшаётганингни, нега ҳамма дам олаётганида, ором олиб ухлаётганида сен кечани —кеча демай меҳнат қилаётганингни билишинг керак. Сенинг меҳнатинг фақат ўзинг учун эмас, халқ учун кераклигини билишинг керак! Худди шундай! Халқ учун кераклигини билиш лозим. Иккиланишдан кейин нима учун оёқ-қўлим чаққон бўлиб қолганини биласизми? Ҳозир мен келажакка нима учун шунчалик ишонаётганимни биласизми! Бунинг сабаби оддий. Мен шуни биламанки, фақат меҳнаткаш одамларгина менинг хаёлимни ҳақиқатга айлантирга оладилар. Фақат шу одамларгина кўплар хом хаёл деб ўйлаган нарсани амалда исбот қиладилар.

— Биз ҳам, Эдуард Константинович, худди шундай деб ўйлаймиз.

Циолковский илҳомланиб кетди. У стол устида, дераза токчаларида, ерда сочилиб ётган қоғозлар уюмига имо қилди.

— Биласизми, мана шу қоғозларда ёзилган фикрларни ким рўёбга чиқаради?

— Ким, Константин Эдуардович?

— Большевиклар.

Циолковский худди шундай деб гапирганми, унинг ҳамсуҳбатлари кимлар бўлган, ўша пайтдаги йигитчалар ҳозир тириккми-йўқми, буни айтиш қийин. Лекин Циолковскийнинг ёғоч уйида кезиб юраркансиз, ҳозир бу саволлар ўнчалик аҳамиятли бўлмай қолганини тушунасиз. Муҳими шундаки, худди шу мазмундаги суҳбатлар бўлган. Бундай суҳбатлар бўлмаслиги мумкин эмасди. Циолковский худди шундай деб гапирганми йўқми, буниси номаълум. Лекин худди шу фикрларни айтган. Негаки, олимнинг ғоялари, олимнинг фикрлари, олимнинг сўзлари бугунги кунда, бизнинг замонимизда ўз аксини топган. Баланд соҳилда осмонга қад кўтариб турган бизнинг ракетамиз ана шундан дарак беради.

Бу ракета ер курраси-нинг барча кенгликларидан, барча меридианларидан яқол кўзга ташланиб турибди.

Русчадан таржима.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Тошкент Медицина институтида студентларнинг жисмоний тайёргарликлари учун ҳам барча шароитлар яратиб берилмоқда. Бу ердаги ёруғ физкультура залларида спортнинг турли хиллари бўйича машғулотлар олиб борилади.

СУРАТДА: самбочилар машғулот устида. Жисмоний тарбия кафедрасининг самбо нураши бўйича спорт мастери, катта ўқитувчи Х. М. Тошхўжаев машғулотга раҳбарлик қилмоқда.

Ю. Трубников фотоси.

Финиш яқин

Андижон билан Наманган ўртасидаги Бутуниттифоқ велосипед пойгасининг саккизинчи этапида Ўзбекистон спортчилари моҳир пойгачи эканликларини кўрсатдилар. Улар 75 километр узунликдаги ана шу участкани 4 соат 47 минут 54 секундда босиб ўтдилар.

Хизмат кўрсатган спорт мастерлари — Александр Юдин (Ўзбекистон), Ааво Пиккуус (Эстония), Игорь Москалев (Молдавия) пешқадамлик қилмоқдалар. Велосипед пойгачиларининг ҳаммаси маррага 1 соат 35 минут 57 секундда етиб келдилар.

Якшанба куни велосипед пойгаси қатнашчилари Фарғонага жўнаб кетдилар.

Қирғизистон командасининг вакили Сергей Калеев 168 километрлик масофани ҳаммадан тез— 3 соат 49 минут 05 секундда босиб ўтди. Шундай вақт натижаси билан Альгис Моцкус (Литва), иккинчи ўринни ва Андрис Якобсонс (Латвия) учинчи ўринни эгаллади. Велосипед пойгачиларнинг ўртача тезлиги қирқ тўрт километрга етди.

Бу этапда команда ҳисобида 11 соат 33 минут 35 секунд вақт натижасини кўрсатиб Литва ССР спортчилари ғолиб чиқдилар, 11 соат 34 минут 32 секунд вақт билан Латвия пойгачилари иккинчи ўринни, 11 соат 34 минут 40 секунд вақт билан РСФСРнинг иккинчи команда учинчи ўринни олди.

РСФСРнинг биринчи терма командаси саккиз этапда 81 соат 49 минут 35 секунд вақт натижаси билан олдинда бормоқда.

Шахсий ҳисобда эса Александр Аверин ҳамон пешқадамлик қилмоқда. Унинг кетидан Александр Гуслятников (РСФСРнинг иккинчи терма командаси) ва москвалик Александр Васьковскийлар бормоқда.

Ўзбекистоннинг велосипед пойгачилари саккизинчи ўринни эгаллаб турибдилар.

Соврин—мусобақа эгаларида

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг соврини учун спорт гимнастикаси бўйича анъанавий мусобақалар тугади. «Ёшлик» спорт майдонида Украина, Қозоғистон, Арманистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ёшларининг терма командалари ўз маҳоратларини намойиш қилиб кўрсатдилар. Бу мусобақа ёшларнинг II Бутуниттифоқ ўйинларига гимнастикачилар тайёргарлигининг босқичларидан бири бўлди.

Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимига қарашли 4-болалар-ёшлар махсус спорт мактабининг талабаси Татьяна Осипова программанинг тўрттала турида ҳам бир текис маҳорат кўрсатди. Тошкент Давлат университетининг студенти Оловиддин Отахонов ҳам команданинг муваффақиятига мадад берди. Ҳар икки спортчи мутлақ биринчиликда ғолиблик унвонини қўлга киритишга сазовор бўлдилар.

Умумкоманда ҳисобида эришилган ғалаба учун асосий соврин ҳам мусобақа эгаларига топширилди.

Раққосалар саҳнага чиқиш олдидан...

М. Нуриддинов фотоэтюди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ҚАТТА ТЕАТРИДА — 21/X да **Золушка**, 22/X да **Травната**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА—21/X да **Беш кунлик нуёв**, 22/X да **Фақат аҳл сотилмайди** (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО раҳбарлигидаги йирик иллюзион ревю гастролари** (19.00).

КИНО

21 ОКТЯБРДА

Робин Гуднинг камон ёйлари— «ҚОЗОҒИСТОН», «КЎКЧА», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), С. РАҲИМОВ номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), НАВОИЙ номли (кечқурун).

Трин-трава — ҲАМЗА номли (кечқурун).

Раиснинг ўғли — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

22 ОКТЯБРЬ

Жаҳон бўйлаб 80 кун —«ВОСТОК» (11, 13.30, 16, 18.30, 21), «МОСКВА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.15, 20.30), САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Робин Гуднинг камон ёйлари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», С. РАҲИМОВ номли (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Бир-биримизга муносибмизми, жонгинам? — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Раиснинг ўғли— «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Санъатга ҳавас — «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Трин-трава — «МИР» (тоқ соатларда).

«Саёҳат билим манбаларидан бири ҳисобланади, у бизни ҳаётга қандай қарашга, уни ўрганиш ва кузатишга ўргатади».

Н. К. КРУПСКАЯ.

САЕҲАТ — БУ ДУНЕНИ, ЧУНОНЧИ ЎЗ ВАТАНИНГНИ БИЛИШНИНГ ЭНГ ҚИЗИҚАРЛИ ВА МАРОҚЛИ ЙЎЛИДИР.

ТОШКЕНТ САЕҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯ БЮРОСИ

СИЗНИ ҚИЗИҚАРЛИ САМОЛЁТ МАРШРУТЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ТУРИСТ

ПИЦУНДА — ТОШКЕНТ — 26 октябрь, 16 ноябрь, 7 декабрда — 20 кунга. Баҳоси—208 сўм.

ТОШКЕНТ —ЯЛТА— ТОШКЕНТ —21 ноябрда— 20 кунга. Баҳоси — 205 сўм.

ТОШКЕНТ— СОЧИ —ТОШКЕНТ — 27 октябрь, 9, 30 ноябрь, 21 декабрда — 20 кунга. Баҳоси —205 сўм.

ТОШКЕНТ—БОТУМИ— ТОШКЕНТ — 27 октябрь — 20 кунга. Баҳоси— 180 сўм.

ТОШКЕНТ — ЯШИЛ БУРУН — ТОШКЕНТ— 22 октябрь— 20 кунга. Баҳоси— 180 сўм.

ТОШКЕНТ —МОСКВА —«ВОРОНОВО» турбазаси— ЛЕНИНГРАД— ТОШКЕНТ — 12 ноябрь, 10 декабрда— 15 кунга. Баҳоси —235 сўм.

ТОШКЕНТ—ЛЕНИНГРАД—ТАЛЛИН —ТОШКЕНТ —31 октябрда, 10, 20, 30 ноябрда, 10, 20 декабрда — 20 кунга. Баҳоси —270 сўм.

ТОШКЕНТ —КИСЛОВОДСК — ТОШКЕНТ —11 ноябрь, 3 декабрда — 20 кунга. Баҳоси —210 сўм.

ТОШКЕНТ —ПЯТИГОРСК —ТОШКЕНТ —19 ноябрда — 20 кунга. Баҳоси — 205 сўм.

ТОШКЕНТ — ЕССЕНТУКИ — ТОШКЕНТ — 27 октябрь, 26 ноябрда — 20 кунга. Баҳоси— 210 сўм.

БОЛТИҚБЎЙИ ХАЛҚЛАРИНИНГ КЎП АСРЛИК ТАРИХИ ЮКСАК ҒОЯВИЙ ВА КЎП ҚИРРАЛИ МАДАНИЯТИ, МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ МУАССАСАЛАРИНИНГ БЕНИҲОЯ КЎПЛИГИ, СОЦИАЛИСТИК ҲАЁТНИНГ ЁРКИН ИФОДАСИ, СОН-САНОҚСИЗ АРХИТЕКТУРА ЕДГОРЛИКЛАРИ, МУЪТАДИЛ ЮМШОҚ ИҚЛИМ, ГЎЗАЛ ТАБИИЙ ШАРОИТ, АЖОЙИБ ЗАМОНАВИЙ ЙЎЛЛАР— БОЛТИҚБЎЙИНИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ МАШҲУР ТУРИСТИК РАЙОНЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНТИРДИ.

СИЗНИ БОЛТИҚБЎЙИ РЕСПУБЛИКАЛАРИ БЎЙЛАБ САФАРГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

ТОШКЕНТ—ВИЛЬНЮС— ШАУЛЯЙ— ПАЛАНГА— ТОШКЕНТ —20 ноябрдан — 18 кунга. Баҳоси —230 сўм.

ТОШКЕНТ—ВИЛЬНЮС— ПАЛАНГА — ТОШКЕНТ — 5 ноябрдан— 15 кунга. Баҳоси— 200 сўм.

ТОШКЕНТ— МАЖЕИКЯЙ—ПАЛАНГА— ТОШКЕНТ —11 ноябрдан — 20 кунга. Баҳоси — 290 сўм.

ТУРИСТИК ПОЕЗДЛАРДА САЕҲАТ ҚИЛИШНИ СЕВУВЧИЛАРИ ЗАКАРПАТЬЕ ВА УКРАИНА ШАҲАРЛАРИ БЎЙЛАБ САФАРГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

ТОШКЕНТ — ХАРЬКОВ —КИЕВ —ЛЬВОВ—УЖГОРОД — МУКАЧЕВО— РАХОВ—ЯРЕМЧА— ЧЕРНОВЦИ—КИШИНЕВ— ОДЕССА— ХЕРСОН—СЕВАСТОПОЛЬ—ВОЛГОГРАД —ТОШКЕНТ—12 ноябрдан 2 декабргача—20 кунга. Баҳоси— 210 сўм.

САМАРҚАНД — БУХОРО— 22 октябрдан 25 октябргача («Дилором» поезди билан). Баҳоси— 42 сўм.

БУ ИЙЛ БИРИНЧИ МАРТА (ўқувчиларнинг қишки каникул кунларида) **МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДАН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ ВА УЛАРНИ «ЕШ ГВАРДИЯЧИЛАР» ЖОЙЛАРИ БЎЙЛАБ МАРШРУТИ БЎЙИЧА САЕҲАТГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.**

САЕҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯ БЮРОСИНИНГ САМОЛЁТ МАРШРУТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА БАЙРАМ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНГИЗНИ ТОШКЕНТДАН ЮЗ ВА МИНГ КИЛОМЕТР НАРИДА (Ленинград, Москва, Киев, Волгоград, Тбилиси, Тольятти, Самарқанд, Бухоро ва бошқа жойларда) **УТКАЗИШИНГИЗ МУМКИН.**

ТУРИСТИК ПУТЕВКАЛАР БИЛАН САМОЛЁТДА САЕҲАТ ҚИЛИШ—ЕШ КЕЛИН—КУЁВЛАР УЧУН ЭНГ ЯХШИ ТЎЙ СОВҒАСИДИР!

Мамлакатимиз кенгликлари беқиёс гўзал, туристик имкониятларининг чегараси йўқ. Иқлимининг ранг баранглиги, табиатининг боғлиги жиҳатдан дунёда унга тенг келадиган бошқа мамлакатни топиш қийин.

Сафар вақтида гўзал Ватанимиз кенгликларини ўз кўзингиз билан кўрасиз, бунёдкор халқимиз вакиллари ва беқиёс гўзал табиат билан рўбаро келасиз. Саёҳатдан яхши дам олиб, руҳингиз тетик ва бардам қайтасиз.

Беҳисоб дарё ёки кўлларни кўрган нима-ю, кўрмаган нима? Сиз уларни бунгача фақат географик карталардан билиб келгансиз, энди эса сиз уларни ўз кўзингиз билан кўрасиз, руҳий ва жисмоний ҳордиқ чиқарасиз.

Саёҳатлар сизга она— Ватанимиз қиёфасини ёрқин намоён этади, унинг ўтмиши, ҳозири ва келажагига назар солишга ёрдам беради, янги жонажон дўстлар орттиришга кўмаклашади.

Ва, сиз жаҳонда энг жозибали китоб деб ҳаётнинг аввал ўзини атайсиз. Она—Ватан бунёдкор сифатида туристга давримизнинг барча яратувчилик ажойиботларини аён этади.

Бизнинг адрес: 700000, Тошкент, Намойишлар хиёбони, 5. Телефон: 32-53-59.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

21 ОКТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

19.00 Янгиликлар. 19.15 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал. 19.20 «Миллионлар лениниа университети». «Тинч осуда келажак йўлида. Европа Коммунистик ва ишчи партиялари конференцияси жаҳонда тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш тўғрисида». 19.50 Л. Кесоглу куйлайди. 20.15 «Жасорат». Кўрсатувни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали П. И. Батов олиб боради. 20.45 «Тўртинчи қайлиқ». Бадиий фильм. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Театр ҳақида қиноллар». 23.35 «Таврида бир кун». Телевизион ҳужжатли фильм. 00.05 Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

19.00 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!». «Мусобақа, тажриба, ташаббус». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 Телевизион театр. В. Медведев. «Баҳс». 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Ёзувчи С. Михалков билан учрашув (рус.). 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.50 «Марду майдон». Бадиий фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. 19.05 «Газанда». Болалар учун фильм. 19.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 19.55 Телефильм. 20.10 «Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун». 20.40 Тошкент янгиликлари. 20.55 «Бизнинг бош мухбиримиздан...». Телетомошабинларнинг **хатлари** асосида кўрсатув (рус.). 21.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН КАФЕ

Андижондаги болалар кафеси ҳар куни бир минг болага хизмат кўрсата олади. Бу кафе шаҳардаги 15 та мактабни ҳам иссиқ овқат билан таъминлаб турибди. Куни узайтирилган группалар учун иссиқ овқат махсус ускуналанган автомашиналарда кафе ошхонасидан белгиланган соатда етказиб берилади.

ЎзТАГ.

▲ АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

МИНГ ЙИЛЛИК ВОДОПРОВОД

Чу дарёси водийсидаги қадимги Оқтоба шаҳри қазилаётганида бундан минг йил аввал ётқизилган сопол қувур ариқ қолдиқлари топилди. Қозоғистонлик археологлар Тянь-Шаньнинг ғарбидаги бу шаҳар VII—VIII асрларда барпо этилганлигини, X—XII асрларга келиб равнақ топганлигини аниқладилар.

Ҳозир чўлга айланган Қоратов районида ҳам шундай қувурлар чиқди. Бу ерда олмаоталик олимлар илк ўрта асрдаги кичик бир шаҳарча Бабатани қазиганларида қувур ариқдан ташқари минг йил аввалги тош йўлка қолдиқлари ҳам чиқди.

В. ГАНЖА.

Олмаота. ТАСС.

Табиат ва инсон

Альпинистлар ва об-ҳаво

Бир йўла ҳам қор бўрон, ҳам қор кўчкилари остида қолган одамни қандай офатлар кутиши аён. Бунинг устига ҳавонинг — 20—25 даражагача совиб кетгани қўшилса, фожиа кўз ўнгимизда янада яққол намоён бўлади.

Инсон организми ўзи учун керак кислородни олиши қийин бўлган, атмосфера босими сийрак шароитларда об-ҳавонинг бу «қилиқ»лари айниқса қимматга тушади.

Деярли ҳар йили баланд тоғларга чиқувчи альпинистларнинг баъзилари оғир об-ҳаво шароитларида қатор машаққатларни бошдан кечирадилар. Шу боисдан совет альпинистлари баланд тоғларга «юриш» бошлаган биринчи кунлардаёқ база лагерлари жойлашган чодирлар ёнида метеорологларнинг чодирлари ҳам пайдо бўлди. Кейинчалик бу ҳамкорлик унутиб юборилди. Чунки бу вақтга келиб об-ҳаво маълумотлари радио орқали маълум қилинадиган бўлди. Альпинистлар эса ихчам радиоприёмниклар ёрдамида бу маълумотларни қабул қилиб олишарди.

Шунга қарамай, тоғли районларда ҳар доим ҳам об-ҳаво маълумотларини аниқ билиб олиш имконияти мавжуд деб бўлмайди. Айниқса, тоғ тизмаларида метеорологик элементлар ҳаракати кескин ўзгариб туради. Жойлардаги синоптик жараён ва қалин булутлар ҳам кузатишларга ҳалал беради. Шу сабабли баланд тоғли районлар об-ҳавосини олдиндан айтиб бериш ғоят мушкул иш.

Метеорологик маълумотларнинг бақарорлиги натижасида кейинги икки мавсум мобайнида Ленин чўққиси шимолий этакларида ястаниб ётган Олой водийсининг Эдельвейс гуллаган ялангликларида метеорологик маълумотларни қабул қилувчи ва «Помир» деб номланувчи халқаро альпинистлар лагерига ҳамда «Дунё томи»нинг чўққисига чиқаётганларга об-ҳаво маълумотларини бериб турувчи махсус станция ишлаб турди.

Мана икки йилдирки Ўрта Осиё регионал гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Олой водийсидаги метеорологик станциясига тажрибали синоптик-инженер И. Макиенко раҳбарлик қилмоқда.

Тошкент метеорологларнинг зудлик билан кўрган чоралари натижасида ўтган йилги баланд тоғларга чиқиш мавсумида, Олой тоғи ортидаги тизмаларда юз бериши мумкин бўлган кўпгина кўнгилсиз воқеаларнинг олди олинди.

Ҳозирги пайтда баланд тоғли зоналар, айниқса, юксак чўққиларни забт этиш планлари албатта, САРНИГМИ экспедициясининг берган маълумотлари асосида тузилади.

Об-ҳаво маълумотлари бора-бора тахминий гапдан аниқликка яқинлашмоқда. Тошкентдан берилган об-ҳаво маълумотлари метеорологик экспедиция томонидан бевосита альпинистлар ҳаракат қилаётган зоналарда олиб борилган кузатишлар билан бойитилиши ҳам шунга олиб келди. Помир учун об-ҳаво маълумотларини тайёрлашда, ўз навбатида тошкентлик метеорологлар ҳам юқоридаги кузатишлардан фойдаланади.

Эдельвейс яшнаган ялангликларида учувчилар ёрдамида атмосфера юқори қатламларининг зонд қилиниши об-ҳаво маълумотларининг аниқлигини янада оширмоқда.

В. РАЦЕК.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

21 ОКТЯБРЬ, 1976 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, ТОШКЕНТ, ЛЕНИН ПРОСПЕКТИ, 41-УЙ.

Р—03640. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ИНДЕКС 64579. Нашр В—3218.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.